

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1015-ҳадис**

1015 - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الَّذِي
لَيْسَ فِي جَوْفِهِ شَيْءٌ مِنَ الْقُرْآنِ كَالْبَيْتِ الْحَرِبِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ
.[2913]

1015. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қорнида Қуръондан ҳеч нарса бўлмаган, (яъни ҳеч нарса ёдламаган киши)
хароба уйга ўхшайди», дедилар.

Имом Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ ҳадис дедилар.

Шарҳ: Набий соллаллоху алайҳи васаллам Қуръондан ҳеч нарсани ёдламай юрган
одамни ажойиб ўхшатиш ила сифатладилар. Хароба уйга ўхшатибдилар.

У ҳам сиртидан уйга ўхшаб кўринади. Девори бор, яна уйда бўладиган баъзи
нарсалари ҳам бор. Аммо аслида у тўлақонли уй эмас. Хароба. Ичига назар
солган одам ундан ҳазар қилади. Унинг ичи ифлос, қаралмаган, турли
ахлатлар билан тўлган.

Қуръондан бирор нарса ёдламаган одам ҳам сиртидан одамга ўхшайди.
Аммо ичи....

Хароба уйга ўхшаб қолмаслик учун Қуръони Каримдан ёд олишимиз керак.
Ундан қанча кўп ёд олсак, ичимиз шунча обод ва гўзал бўлиб бораверади.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI